

**2016/Net-371-4 - СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТУГРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (игу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Тошкент ш.

2022 йил "5" *январь*

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания) номидан 2021 йил "30" декабр 27-01-14/6019 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг ТШПТ филиали директори Рустамов Ф.Ш. (кейинги ўринларда - Оператор) бир томондан ва Республиканский пансионат ветеранов войны и труда номидан Устаб (Устав, Низом, руйхатга олинганлик тугрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ф.Ғ. Абрарова (кейинги ўринларда - Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақда Абонент шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиш тугрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи булган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Оферта) шартлари билан тулик танишиб чиканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши тугрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан курсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида курсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сунг, Оператор Абонентга идентификация рақам и ни беради. Идентификация рақами берилганидан сунг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар руйхати доирасида уз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, уз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва туловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) курсатилганидан кейин туловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни уз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тулови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк қуни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тулови 100 (бир юз) **фонз** микдорида олдиндан туланади. дастлабки аванс тулови олдиндан тулов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) курсатилган микдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти булган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ курсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 2310000  
(Икки миллион үз юз дўн миң) сумни ташкил этади.

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 138000 (бир юз ўттиз саккиз миң) сум

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 1172000 (икки миллион бир юз ўттиз саккиз миң) сум

Ушбу сумма ( ) Абонент туловини ҳамда

микдоридаги бир марталик туловни уз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар уртасида имзоланган қушимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк қуни ичида ушбу Шартномада курсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини утказиш йули билан Оператор томонидан курсатилган хизматлар ҳақини тулайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар курсатиш учун етарли маблағ булмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида курсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тулов амалга оширилмаган булса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар курсатилишини тухтатишни мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга, ушбу хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тухтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрй равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қуринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулик календарь ойи учун умумий микдори курсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш қуни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича уз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда

кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. Яқиний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК ТШТТ филиали	АБОНЕНТ: Республиканский пансионат ветеранов войны и труда
Манзил: 100015, Тошкент ш.Кичик халка йули,2 Банк маълумотлари: х/р: 20210000704074838066 СТИР:203366731 МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел:(371) 1155 202-0000; E-mail: _____;	Манзил: <u>Ҳоро қавми 2/1 Зиямово Сул</u> Банк маълумотлари: х/р: <u>10010860262807909209344001</u> СТИР: <u>201448908</u> ; МФО: _____; Банк номи: _____; Тел: <u>774467755</u> ; E-mail: _____;
Оператор номидан: Директор _____ Рустамов Ф.Ш. /имзо/	Абонент номидан: _____ Ф.И.Ш. /имзо/
м.ў.	_____

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
	<b>I. Бир маргалик тўловлар</b>				
1.2	Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (GPON технологияси бўйича)		Нархнома		
	<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>				
	ТІВВІҲОТ 1 тариф режаси бойча 100 мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 4 мбит/с 20:00 дан 00:00 гача 10 мб/с 00:00 дан 20:00 гача	1	Нархнома	1	200 000.00
	ТІВВІҲОТ 2 тариф режаси бойча 100 мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 16 мбит/с 20:00 дан 00:00 гача 40 мб/с 00:00 дан 20:00 гача	1	Нархнома	1	550 000.00
	Ір-манзил	1	Нархнома	1	20 000,00
2.1	Абонент тўлови		Нархнома		
	Жами (олдиндан тўлов)				770 000.00

Жами олдиндан тўлов миқдори 770 000.00 (йетти юз йетмуш минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 2310000 (Икки миллион ўч юз ўн минг) сўмни ташкил этади. Ундан 770 000.00 (йетти юз йетмуш минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови.

**ОПЕРАТОР:**  
 “Ўзбектелеком” АК  
 — филиали

**АБОНЕНТ:**  
 Республиканский пансионат ветеранов войны и труда

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Директор

/ИМЗО/

м.ў.



Р. И. Анрамова



LITSENZIYA  
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005661

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 21 августа 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии: 23.02.2012г. dan / по 23.02.2017г. gacha

Litsenziatning nomi / Наименование Лицензиата: Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari / Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001 в ОПЕРУ АК «Алоқабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:  
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг  
сетей передачи данных

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ  
СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя: 

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии продлен: 24.02.2017г. dan / по 24.02.2022г. gacha uzaytirildi

Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя: 

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии продлен: dan / по gacha uzaytirildi

M.O. / M.II. Rahbarning imzosi: / Подпись руководителя:

(Bova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)  
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 3468



## LITSENZIYA ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005657

Litsenziya turi Типовая  
Вид лицензии

Berilgan sana 21 августа 2015 г.  
Дата выдачи

Litsenziyaning amal qilish muddati: 22.02.2007г. dan 22.02.2017г. gacha  
Срок действия лицензии: с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_ gacha

Litsenziatning nomi: Акционерная компания «О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ»  
Наименование Лицензиата:

г.Ташкент, Югусабалский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731  
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUHSAT ETPLADI:  
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг  
местных сетей телекоммуникаций

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ  
В СОТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ



Rahbarning imzosi: ✓  
Погнись руководящего: ✓

Litsenziyaning amal qilish muddati: 23.02.2017г. dan 23.02.2032г. gacha uzaytirildi  
Срок действия лицензии продлен: с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi



Rahbarning imzosi: ✓  
Погнись руководящего: ✓

Litsenziyaning amal qilish muddati: \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi  
Срок действия лицензии продлен: с \_\_\_\_\_ по \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi

M.O' Rahbarning imzosi:  
M.П. Погнись руководящего:

(Dova qilingan litsenziya shartnomasi esazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)  
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 744